



## АЛКАГОЛ ИНСОН ҲАЁТИ ВА КЕЛАЖАГИНИ БАРБОД ҚИЛАДИ

Солиев Иқболжон Икромжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси З-босқич  
“Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти” йўналиши 317-гуруҳ курсанти

**Аннотация:** Инсон саломатлиги ва келажагига салбий таъсир қилувчи алкогол маҳсулотлари ва уларнинг ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этиши эҳтимоли юқори бўлган ҳолатларни олдини олиши ва уларга имкон берадиган шарт -шароитларни аниқлаш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилган.

**Annotation:** It is discussed about alcohol products that have a negative impact on human health and future, as well as prevention of situations with a high probability of committing a crime and determining the conditions that enable them.

**Калит сўзлар:** Соғлиқни сақлаш, спиртли ичимлар, мастлик ҳолати, безорилик, жиноятычилик, ҳуқуқбузарлик.

**Key words:** Health care, alcohol, drunkenness, violence, crime, delinquency.

Спиртли ичимликлар зарари тўғрисида қўп эшитканмиз, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда бу борадаги мақолаларга тез-тез кўзимиз тушиб туради. Хатто, айрим ҳуқуқбузарликлар, безорилик ва жиноятларнинг салмоқли кисми мастлик холатида рўй бериши ҳам хеч кимга сир эмас. Бир сўз билан айтканда, ушбу иллат хеч кимга фойда келтирмаслиги кундай равshan холатdir.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик берилича, ўтмишда спиртлик ичимлик сабаб ҳалқлар ва миллатлар бошига тушкан фалокатлар сон саноқсиз. Бунга айрим мисолларни келтириш мумкин. Хусусан, Массагетлар шаҳзодаси Спарангизнинг Форс қўшинига қарши мағлубияти жанговор салоҳиятидан бехабар қолганига сабаб эмас, аксинча душман фитнасига учиб май таъсирига тушиб, қўшиннинг тор мор бўлгани вилан баҳоланади.

Бундан ташқари Хурросон султони Хусайн Бойқаро ҳам майшатка берилиб салтанат ишларини унутиб қўйди. Ҳукумдорнинг сархушлигидан фойдаланиб мамлакат душманлари унинг невараси Мўмин Мирзонинг қатил этилишига эришдилар. Тарихда бундай мисоллар жуда қўп.

Халқда “Куш уйасида кўрганини қиласи”, деган хикматли гап бор. Ёш авлодга тўғри таълим тарбия бериш, улар учун соғлом келажакни бунёд этиш ҳар бир ота-онанинг зиммасидаги вазифа саналади. Эътибордан қолган ўғил қиз кўча тарбиясини олади, ёмон одамлар ва одатларга эргашади. Нима яхшию, нима ёмонлигининг фарқига бормай қолади. Оқибатда турли иллат ва жирканч ишлар таъсирига тушиб ўз келажагини барбод қиласи.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига қараганда сўнги йилларда спиртли ичимликлар истеъмол қилишда ҳам вояга етмаганларнинг хиссаси сезиларли



даражада ошкани таъкидланмоқда. Жумладан, ўткан йилларга қараганда вояга етмаганларнинг спиртли ичимлик исътемоли 17% га ошганлигини маълум қилди.

Хозирги тахликали кескин шароитда ота-оналар, муруббийлар ва махалла-кўй бу масалада хушёрликни оширмоқцилари шарт. Бир сўз билан айтканда, заарли одатлардан узок бўлинг ва фарзандларингиз кўзи бу одатлардан пана бўлсин.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Xabar.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг қарори,

22.01.2022 йилдаги 0020-22-сонли қарор

3. norma.uz